



МИЛЛИЙ ҚУРИЛИШ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ДИВЕРСИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА  
ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Мараимова К.Ш.**

ЖИДУ “ТТвамМ” кафедра катта ўқитувчиси

[kamolashuxrat@gmail.com](mailto:kamolashuxrat@gmail.com)

+998908062440

**Аннотация:** Соҳада маҳсулот диверсификациясини амалга ошириши, инновациялардан кенг фойдаланиши жараёнлари ривожланишига тўсқинлик қилаётган тизими муммилар ўрганилди. Миллий қурилиш саноатини ривожлантириши ва диверсификацион жараёнларни разбатлантириши бўйича давлат дастурларини такомиллаштириши йўналишлари таҳлил қилинди.

**Калим сўзлар:** қурилиш саноати тармоғи, диверсификация, тизими муммилар, стратегик мақсадлар кўрсаткичи, “Uzbekistan Building Code (UBC)” техник меъёrlashi ва стандартлаштириши тизими

**Аннотация:** Изучены системные проблемы, препятствующие развитию процессов диверсификации продукции и широкого использования инноваций в промышленности. Проанализированы направления совершенствования государственных программ развития национальной строительной отрасли и стимулирования процессов диверсификации.

**Ключевые слова:** отрасль строительной промышленности, диверсификация, системные проблемы, индикатор стратегических целей, система технического регулирования и стандартизации «Uzbekistan Building Code (UBC)»

**Annotation:** We studied systemic problems that impede the development of product diversification processes and the widespread use of innovations in the industry. The directions for improving the state programs for the development of the national construction industry and the promotion of diversification processes were analyzed.

**Key words:** construction industry network, diversification, systemic problems, indicator of strategic goals, "Uzbekistan Building Code (UBC)" technical regulation and standardization system

Янги Ўзбекистон шароитида миллий қурилиш саноатини ривожлантириш, соҳада фаолият юритаётган корхоналар амалиётида маҳсулот диверсификациясини амалга оширилишини жадаллаштириш, жумладан, мазкур тармоқда хўжалик фаолияти юритаётган корхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг барча соҳалари моддий-техник базасини яратишда ҳамда аҳолининг шинам уй, ижтимоий ва муҳандислик





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



инфратузилмаси хизматлари, шунингдек, маданий хордикқа бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда, соҳада маҳсулот диеврсификациясини амалга ошириш, инновациялардан кенг фойдаланиш жараёнлари ривожланишига қуидаги тизимли муаммолар ҳалал бераётганлиги Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан таъкидлаб ўтилган бўлиб, унга кўра:

- шаҳарсозлик фаолиятини техник тартиба солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар сезиларли даражада эскириб қолди ҳамда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришининг замонавий услубларини, энергия тежамкор технологиялар ва материалларни кенг қўллаш имкониятларини инобатга олмайди;

- кўпчилик аҳоли пунктларида бош режалар мавжуд эмаслиги ёки бино ва иншоотларни қуришда уларга риоя қилинмаслиги ҳудудларда комплекс равишда қурилиш олиб бориш, ишлаб чиқариш ва инфраструктура объектларини жойлаштириш, тадбиркорлик, ишчанлик ва инвестиция фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

- лойиҳа-қидирув ишларининг мавжуд бозори тенденциялари кўп ҳолларда лойиҳа ишининг илғор ривожланиши, юқори технологияли, замонавий ва ўзига хос архитектура лойиҳаларини яратиш учун шарт-шароит тутдирмайди;

- шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг мукаммал эмаслиги ва оқибатда ходимларни қурилиш-монтаж ишларига ноқонуний асосда (керакли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан) жалб қилиш, ўзбошимчалик билан қурилган биноларнинг кўпайиши, қурилиш ташкилотлари ходимларининг зарур билим ва малакага эга эмаслиги қурилиш тармоғининг инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, қурилган бино ва иншоотлардан кейинчалик фойдаланишда хавфсизлик талабларининг бузилишига олиб келмоқда;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги инвестиция жараёнлари иштирокчилари ва шаҳарсозлик фаолияти субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффоғлиги ва тезкорлигини таъминлаш имконини бермайди;

- амалий қурилиш фанининг ривожланмаганлиги, олий таълим муассасаларининг илмий ва моддий-техник салоҳияти заифлиги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш имконини бермайди.<sup>10</sup>

Юқорида кўрсатилган муаммолар қурилиш тармоғининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-6119-сонли Фармони, 27.11.2020 й. <https://lex.uz/docs/5130468>





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



### 1-жадвал

**2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари кўрсаткичлари<sup>11</sup>**

Кўрсаткичлар	2021 й	2023 й	2025 й
Миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштириш	10 %	30 %	50 %
“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини тъминлаш	1	2	4
Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқишининг “ҳажм” услугини жорий этиш улушини республикадаги қурилиш обьектларининг умумий сонига нисбатан 50 фоизга етказиш	—	25 %	50 %
Архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига (ТОП-1000) кириши	—	—	1
Шаҳарларнинг барчасини бош режалар билан қамраб олишга эришиш	96 %	98 %	100 %
Шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш	18 %	22 %	25 %

Бугунги кунда мамлакатда “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси”да соҳани ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор мақсадлар (1-жадвалга қаранг) белгилаб берилган:

- 2025 йил охирига бориб “Бизнес юритиш” халқаро индексида (Doing Business Index) “қурилишга рухсатномалар олиш” (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгacha яхшилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-6119-сонли Фармонига З-илова, 27.11.2020 й. <https://lex.uz/docs/5130468>





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



нормалари ва қоидаларини камида 50 фоиз даражасида халқаро норматив ва стандартлар билан уйғулап шығарылыштың эришиш;


- 2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришиш;

- 2025 йилга бориб “Шаффофф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида қўшимча тўртта электрон платформа яратилишини, шунингдек, уларнинг идоралараро ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

- лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишнинг “ҳажм” услубини жорий этиш улушини 2025 йилга бориб республикадаги қурилиш обьектлари умумий сонининг 50 фоизигача етказиш;

- 2025 йилга бориб архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий таълим муассасаларидан бирининг халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингларидаги Осиё мамлакатларининг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатига (ТОП-1000) кириши.<sup>12</sup>

Жумладан, мамлакат қурилиш саноати корхоналарида маҳсулотни диверсификациялаш ҳисобига халқаро бозорларга чиқиши амалиётини қўллаб-куватлашда соҳада етакчилик қилаётган, жумладан, қурилиш маҳсулотлари экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётган корхоналар фаолиятини халқаро стандартларга мослаштиришда “Uzbekistan Building Code (UBC)” техник меъёrlаш ва стандартлаштириш тизимини шакллантириш керак бўлади.



### 2-расм. “Uzbekistan Building Code (UBC)” техник меъёrlаш ва стандартлаштириш тизимининг таркибий компонентлари<sup>13</sup>

Таклиф этилаётган “Uzbekistan Building Code (UBC)” техник меъёrlаш ва стандартлаштириш тизими Техник меъёrlаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан мунтазам такомиллаштирилиб бориши зарур. Бу орқали

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармони, 27.11.2020 й. <https://lex.uz/docs/5130468>

<sup>13</sup> Муалиф томонидан тузилган





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



мамлакатда қурилиш саноати корхоналарида маҳсулот диверсификацияси жараёнларининг самарадорлигини таъминлашга эришилади.

Шу билан биргаликда, қурилиш саноати корхоналарида маҳсулотни диверсификациялаш жараёнлари самарадорлигини оширишда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва нархларини ўзида акс эттирган миллий классификаторни шакллантириш талаб этилади. Бу турдаги классификаторнинг шакллантирилиши маҳсулотни диверсификациялаш жараёнлари натижасида янги турдаги маҳсулотлар билан қурилиш бозорига кириб қелиш жараёнида хўжалик субъектлари томонидан асоссиз равишда нархларнинг ошиб кетиши ва маҳсулотлар сифатини сунъий тарзда корхона манфаатлари нуқтаи назаридан ўзгартириш ҳолатларни олдини олиш имконини беради. Шу билан биргаликда, қурилиш саноати маҳсулотлари ва ресурслари миллий классификаторини рақамли технологияларга асосланган ҳолда электрон платформа шаклида шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб, юқорида билдириб ўтилган таклифлар асосида мамлакатда қурилиш корхоналари маҳсулотини диверсификациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг такомиллаштирилиши соҳада амалга оширилаётган стратегик ислоҳотлардан кўзланган мақсад ва вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш имконини беради. Жумладан, қурилиш корхоналарида маҳсулот диверсификациялаш имкониятлари кенгайиб, пировард натижада қурилиш саноатида яратилаётган қўшилган қиймат ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиб боришига эришилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБААЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармони, 27.11.2020 й. <https://lex.uz/docs/5130468>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармонига 3-илова, 27.11.2020 й. <https://lex.uz/docs/5130468>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сонли Фармони, 27.11.2020 й. <https://lex.uz/docs/5130468>

